



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЯНГИ БИЗНЕС ИМКОНияТЛАРИНИ КАШФ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди.



Ўтган йили илк бор ўтказилган форум ишбилармон доиралар томонидан юқори баҳоланган эди ва у яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу йилги анжуманда Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари

Ақилбек Жапаров, Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, БМТ Бош котиби ўринбосари Ольга Алгаерова, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий, Венгриянинг иқтисодий

тараққиёт вазири Мартон Надь, “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян қатнашмоқда. Умуман, форумда 70 мамлакатдан 2 минг 500 га яқин бизнес ва молия соҳаси вакиллари иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбари сўзининг



аввалида барча иштирокчиларни қутлаб, бу форум икки ва кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга, янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилишини таъкидлади. Мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу

борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича қилинаётган ишлар қайд этилди. Жумладан, қўлай фискал тизим яратилди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хорижий инвесторлар акцияларидан оладиган

дивидендлар уч йил муддатга фойда солиғидан озод қилинди. Мухими, солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАЎБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий, Венгрия иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь, Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян ва БМТ Бош котибининг ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи котиби Ольга Алгаерова билан учрашувлар ўтказди.

Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашувда янги ўрта муддатли шериклик дастури доирасида Банк груҳи билан кенг қўламли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ МАМЛАКАТГА АЙЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли форум иштирокчилари! Азиз меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида учрашиб турганимдан бағоят хурсандман.

Албатта, Ўзбекистоннинг яқин дўстлари ва ишончли ҳамкорлари бўлган хорижий ҳукуматлар ва халқаро молия институтлари вакиллари ҳамда нуфузли компаниялар раҳбарлари билан ушбу форум доирасидаги учрашувларимиз барчамиз учун яхши анъанага айланиб бормоқда.

Сизларнинг меҳмондўст диёримизга таширфингизни юртимизга ҳурмат ва ислохотларимизга ишонч ифодаси сифатида қабул қиламиз. Ўзбекистонга ҳуш келибсиз!

Хурматли форум иштирокчилари! Ҳозирги вақтда халқаро майдонда давом этаётган мураккаб ва таҳликали

жараёнлар, башорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришлар дунё иқтисодиётини жиддий синовдан ўтказаятгани ҳеч кимга сир эмас.

Ишончим комилки, бундай зиддиятли шароитда бугунги учрашувимиз икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга, барчамиз учун янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилади.

Азиз дўстлар! Ўтган йили бўлиб ўтган биринчи Халқаро инвестиция форумида янги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилиниб, кўплаб қелишувларга эришилди.

Бир йил ичида мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотларни жадал давом эттирдик. Жумладан, минтақамиздаги энг қўлай фискал тизимни яратиш бўйича

катта ўзгаришларга эришдик. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хабарингиз бор, илгари ушбу солиқ ставкаси 20 фоиз эди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини экспортчи корхоналарга 7 кун ичида қайтариш жорий қилингани, солиқ ва божхонада ўзаро ҳисобга олиш йўлга қўйилгани тадбиркорларга жуда маъқул бўляпти. Шу пайтгача инвесторлар 2 та алоҳида тизим орасида сарсон эди.

Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди, улар учун фойда солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Мухими, солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Ташқи савдони эркинлаштириш бўйича навбатдаги муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё

ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона ҳудудида қайта ишлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

Ташқи савдо ва рақобат муҳитини янги босқичга олиб чиқиш, янги-янги бозорларга кириш мақсадида биз Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш бора-сидаги киришимизни жадаллаштирдик.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ислохотларимиз мазмунига тула мос ва биз ушбу нуфузли ташкилотга тезроқ аъзо бўлиб киришдан манфаатдоримиз.

Ҳозирги вақтда аъзо мамлакатлар билан музокаралар олиб бориш ҳамда миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти қоидалари билан уйғунлаштириш кизгин босқичда. Йил якунига қадар сезиларли натижаларга эришиш бўйича аниқ режаларни олганмиз.

Ижро ҳокимияти тизимида бюрократияни камайтириш, коррупцияни йўқ қилиш, ихчам, самарали

бошқарувни жорий этиш мақсадида дадил маъмурий ислохотни бошладик. Бу борада барча вазирликлар ислохот қилиниб, уларнинг сони 61 тадан 28 тага келтирилди, вазифа ва вакولاتлари аниқ белгиланди.

Шунингдек, давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилинди, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди.

Ҳозирги кунга қадар 132 та лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартибига ўтилди.

Энг муҳими, ушбу ислохот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг яхлит тизими жорий қилинди.

Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигида лойиҳа ташаббусидан бошлаб, то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнларда инвесторларга “ягона дарча” орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Инвесторлар фаолиятига оид масалаларни тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқоти йўлга қўйиш мақсадида Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади.

Мен хорижий компаниялар вакиллари ва ишбилармонлар билан кўпроқ мулоқот қилишга интиланман. Сизларнинг ғоя, таклиф ва ташаббусларингиз менга куч-ғайрат беради, янги ислохотларга ундайди. Шу боис, янги-янги инвесторлар билан тез-тез учрашувлар ўтказишга, сизларнинг юртимиздаги ютуқларингизни шахсан кафолатлашга тайёрман.

Инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ҳам ислохотларимиз жадал давом этмоқда.

Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилди.

▶ Давоми 2-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ МАМЛАКАТГА АЙЛНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Инвесторлар ҳуқуқларини суд орқали кафолатли ҳимоя қилиш бора-сида катта қадамлар қўйилмоқда. Бу борада маъмурий судларнинг нуфузи оширилди ва уларга катта ваколатлар берилди. Бундан буён тadbиркор ва инвесторлар судда ўз талабининг тўғрилигини исботлаши шарт эмас. Энди давлат идораси ўз қарорининг қонунийлигини исботлаб беришга мажбур бўлади. Юзага келган ҳар қандай ноаниқликлар эса инвесторлар фойдасига ҳал қилинади.

Қонунларимизда халқаро арбитраж судлари қарорларини мажбурий ижрога қаратиш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Жорий йилда ҳам тadbиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ислохотларимиз давом эттирилади. Жумладан, халқаро экспертлар кўмағида тарихимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилади.

Ислохотларимиз натижасида Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодиёти энг юқори диверсификация қилинган мамлакат сифатидаги мақоми янада мустаҳкамланди.

Бир йилнинг ўзида 100 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилинди, киритилган хорижий сармояларнинг йиллик ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки ислохотлар бошланган 2017 йилга нисбатан 3 баробар ошди, 1 миллионга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга туширилди. Эслатиб ўтаман, ислохотлар бошланган даврда бу кўрсаткич 30 фоиздан юқори эди.

Албатта, бу ютуқларда сиз, ҳурматли ҳамкорларимизнинг ўрни беқиёс.

Охириги йилларда сизларнинг кўмагингиз билан мамлакатимизда минг-

лаб замонавий корхоналар ташкил қилинди, йирик лойиҳалар амалга оширилди, юз минглаб юқори даромадли янги иш ўринлари яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган барча хорижий ва маҳаллий инвесторларга, ҳамкор давлатлар ҳукуматларига, халқаро молия институтларига чуқур миннатдорлик ҳамда юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Муҳтарам меҳмонлар!

Ислохотларимиз жадал давом этиши, юртимизда бизнес эмин-эркин ривожланиши учун янада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор керак.

Хабарингиз бор, яқин кунларда Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади.

Энг аввало, янги Конституциямизда Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани алоҳида белгиланмоқда. Барча ўзгартиришларнинг туб негизига “инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор” деган эзгу ғоя қўйилмоқда. Шунингдек, Конституциямизда илк бор қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, суд мустақиллиги бўйича давлат ўзига мажбуриятлар олмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, янги Конституция — биз бошлаган ислохотларни изчил давом эттириб, энг муҳими, уларга орта қайтмайдиан тус бериши мукаррар.

Қадри дўстлар!

Энди сизлар билан ҳамкорлигимизни кенгайтириш борасидаги янги имкониятларга тўхталсам.

Биринчидан, Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўлини қатъий давом эттиради.

Айниқса, “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren” каби жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари мамлакатимизда йирик куёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзиде 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттли қувватлар ишга тушади.

“Яшил иқтисодиёт” бизга саноатнинг янги йўналишларини ҳам олиб келмоқда. Куёш панеллари, шамол турбиналари, инвертор ва бошқа электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этилмоқда. Бу — инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият, дегани.

Сизларни шу каби лойиҳаларни амалга оширишга таклиф қиламиз ва бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга тайёرمىз.

Иккинчидан, яқин-яқингача иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари фақат давлат корхоналаридан иборат эди.

Ислохотларимиз натижасида олдинлари “ёпиқ” бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Биргина мисол, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Жумладан, 5 та хусусий авиакомпания ташкил этилгани, Самарқанд аэропорти ташқи бошқарувга берилгани ҳисобига парвозлар сони 2,5 баробар ошди.

Биз транспорт соҳасида рақобат муҳитини яратишга қаратилган ислохотларни давом эттирамиз. Бу йил Андижон, Наманган, Бухоро ва Ўрганч аэропортлари бошқарувини ҳам хусусий секторга топширамиз.

Темир йўл соҳасида ҳам катта ўзгаришларни бошлаганимиз ва бунда инвесторлар фаол иштирок этишларини сўраб қоламан.

Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган IT, туризм, таълим, тиббиёт каби соҳаларда Ўзбекистон минтақавий

хабга айланиб бораётгани ҳам бу йўналишдаги катта имконият.

Ушбу режаларимизни амалга оширишда халқаро молия институтларининг кўмағига таянамиз. Мисол учун, Ислон тараққиёт банки бизга ишонч билдириб, давлат кафолатисиз 1,5 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича жадал ишлаяпти. Бунинг учун форумда иштирок этаётган банкнинг президенти Мухаммад бин Сулаймон ал-Жассир жанобларига алоҳида миннатдорлигини билдираман.

Ўйлаيمانки, бу ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этади ва ҳар икки томон учун манфаатли бўлади.

Умуман, бу йил давлат-хусусий шериклики жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар халқаро молия институтлари кўмағида ишлаб чиқилди. Булар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олади ва улар бўйича ушбу форум доирасида сизларга аниқ лойиҳалар тақдим этилади.

Учинчидан, биз бу йил давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича “1 минг + 1 минг + 40” дастурини қабул қилдик.

Бу дегани 1 мингта корхонадаги давлат улушлари ҳамда яна 1 мингта давлатга тегишли кўчмас мулк объектлари очик аукцион савдоларига чиқарилади, иқтисодиётимиз учун стратегик аҳамиятга эга 40 та корхона IPOга олиб чиқилади. Жумладан, олтин, мис ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар, телекоммуникация ва сурғорта компаниялари ҳамда банклар акциялари инвесторларга таклиф этилади.

Тўртинчидан, биз индустриал ривожланиши янги босқичга олиб чиқишга устувор аҳамият берамиз.

Масалан, ҳозирги кунда тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш

материаллари, электр техникаси, машинасозлик тармоқлари етарли хомашё базаси ва малакали кадрларга эга. Яъни шу соҳаларда “катта сақраш” қилиб, улардаги ишлаб чиқариш ва экспортни 2 баробар ошириш учун етарли имкониятлар бор. Бунинг учун бизга йирик брендлар билан ҳамкорлик, ташқи бозорларга чиқиш, инновация ва замонавий технологиялар керак.

Буларни олиб келадиған инвесторларга биз барча шароитларни яратиб, алоҳида технопарк ҳамда саноат зоналари ташкил қилиш ва бошқа қўшимча имтиёзларни яратиб беришга тайёرمىз. Бу борада вазирларга топшириқ берганман. Улар сизларга форум сессиялари давомида 160 та йирик ва узаро манфаатли лойиҳаларни тақдимот қилади.

Бешинчидан, биз Марказий Осиёда ахши қўшничилик сиёсатини давом эттириб, иқтисодий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича қўшни давлатлар билан фаол ишлаяпмиз.

Ушбу мақсадларда қўшма инвестиция фондларини ташкил қилиб, саноат, энергетика, транспорт ва сув хўжалиги соҳаларида йирик минтақавий лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Иқтисодиётларимизнинг “бир-бирини тўлдириши” тамойили асосида саноат ва агро кооперацияларини қатъий давом эттирамиз.

Бугунги форумда қўшни Қирғиз Республикаси ҳукумати раҳбари Ақилбек Жапаровни кўриб турганимдан хурсандман. Биз учун қардош бўлган Қирғизистон билан ҳамкорлик натижасида сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 баробар ва қўшма корхоналар сони 8 баробар ошди. Хусусан, тўқимачилик, автомобилсозлик, геология, кимё саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, чорвачилик каби йўналишларда

биргалиқда катта-катта лойиҳаларни бошладик.

Буларнинг барчаси 2021 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт жағнамаси томонидан молиялаштирилмоқда.

“Қамбарота ГЭС-1” ва “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳалари бўйича ҳам ишлар жадал давом этмоқда.

Шу ўринда минтақамиз давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни юксалтириш бўйича бу ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаётган қўшни давлатлар ҳукуматлари вакиллари, йирик компаниялар раҳбарлари ва тadbиркорларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Сизларнинг бугунги форумда қатнашаётганингиз ва мамлакатимизда бизнес юритиш учун катта қизиқиш билан қараётганингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги форум барчамиз учун янги-янги имкониятларни очиб беради.

Ишончмн қиламан, бўлиб ўтадиган мулоқотлар орқали сизлар Янги Ўзбекистондаги бизнес учун беқиёс имкониятларни кашф қиласизлар.

Сизлар ўзингиз истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатларни айнан бизнинг юртимизда топасиз. Бунга мен Президент сифатида қафолат бераман. Янги Ўзбекистон Сизнинг бизнес фаолиятингизда алоҳида ёрқин из қолдирадиган макон бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Барчангизга келгуси фаолиятингизда омад ва улкан зафарлар ёр бўлсин!

Форум ишида ўзаро манфаатли келишувларга эришишни тилаб қоламан.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қамраб олган ҳолда 1,3 миллиард доллардан ошгани мамнуният билан қайд этилди. Форум доирасида қишлоқ ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан умумий қиймати 400 миллион долларлик битимлар имзоланди.

Учрашувда амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш, тadbиркорлик ва хусусий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, молиявий воситаларни такомиллаштириш, Банк тузилмаларини лойиҳа ишларига фаол жалб қилиш борасида аниқ лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, мамлакатимизнинг ЖСТга қўшилиши ва инновацион экотизимни яратиш масалаларида техник кўмакни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров билан учрашувда Ўзбекистон — Қирғизистон кўп қиррали ҳамкорлигига оид амалий жиҳатлар муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларнинг бугунги юксак даражаси мамнуният билан қайд этилди. Жадал мулоқотлар давом эттирилмоқда, муҳим иқтисодий лойиҳалар ва гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Ўш шаҳрида Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги театрнинг янгиланган биноси тантанали очилди, Қўқон шаҳрида эса спортчиларнинг спартакиадаси муваффақиятли ўтказилди. Худудлар форуми ва Аўлодлар учрашувини ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари автомобилсозлик, энергетика, транспорт инфратузилмаси, пойтахтларда савдо уйлариини очиб бўйича кооперация лойиҳаларини тезлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амириклари энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруй билан учрашувда Ўзбекистон — БАА кўп қиррали ҳамкорлиги доирасидаги лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар аввалида вазир ал-Мазруй давлатимиз раҳбарига Президент Шайх Мухаммад Ол Наҳаён ва Вице-президент, Бош вазир, Дубай Амири Шайх Мухаммад Ол Мактумнинг саломини етказди.

Икки томонлама муносабатлар ривожининг бугунги юқори суръати катта мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги бир неча йилда товар айирбошлаш икки баробар ошди, 50 та янги корхона ташкил этилди, инвестиция лойиҳалари портфели 3 миллиард доллардан орди. Қўшма инвестиция компанияси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик қўриш ва уларни аниқ мазмун билан бойитиш мақсадида Ўзбекистон етакчиси “яшил иқтисодиёт”,

энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма ва бошқа устувор йўналишларда истиқболли лойиҳаларни илгари суриш муҳимлигини таъкидлади.

Венгрия иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришининг биринчи қалдаги чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Тadbиркорлар ва худудлар даражасидаги кооперацияни тубдан кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқин ойларда тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш, чуқурлашган саноат кооперацияси учун мўлжалланган тузилма шартларини тез фурсатда келишиш ва фаолиятини бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, транспорт ва коммуникациялар, самарали молиявий воситаларни яратиш борасидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш ишларини тезлаштиришга келишиб олинди.

Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Мухаммад Абдулла Абунайан билан учрашувда жорий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ва шериклиқни тубдан кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг “яшил энергетика” тармоғи ривожига энг кўп сармоя киритаётган ушбу компания билан ҳамкорлик сермахсул бўлаётганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда муқобил энергетика соҳасида 7,5 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, куёш ва шамол электр станцияларини қуриш, “яшил водород” ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар фаол тайёрланмоқда.

Суҳбат чоғида кооперацияни янада чуқурлаштириш, биринчи навбатда инновацион лойиҳаларни, жумладан, Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши доирасида илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

БМТ Бош қотибининг ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИМК) Ижрочи қотиби Ольга Алгаерова билан учрашувда Баркорор ривожланиш мақсадларига тезкор эришиш борасида БМТ институтлари, шу жумладан, ЕИМК билан кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун махсус дастур доирасида самарали ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Томонлар Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда “Яшил макон” дастурини, юк ташишларни рақамлаштириш ва тўқимачилик саноати лойиҳаларини амалга ошириш масалаларида алмашинувларни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбатда БМТ ЕИМК билан устувор йўналишларда ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЯНГИ БИЗНЕС ИМКОНИЯТЛАРИНИ КАШФ ЭТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ташқи савдо эркинлаштирилмоқда. Хусусан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона худудида қайта ишлашнинг соддалашган тартиби жорий этилди. Янги-янги бозорларга кириш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни жадаллаштирилмоқда.

Ижро ҳокимияти тизими ислоҳ қилиниб, бюрократия қамайтирилди. Давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилиниб, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди.

Ҳозирги кунга қадар 132 та лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартиби киритилди.

Энг муҳими, ушбу ислохот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг ахлият тизими жорий қилинди. Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигида лойиҳа ташаббусидан бошлаб, то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнларда инвесторларга “ягона дарча” орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Инвесторлар масалаларини тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади.

Ишбилармонлар ҳуқуқларининг ҳимояси кучайтирилди. Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кетиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилди.

Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида маъмурий судларга катта ваколатлар берилди. Бундан буён тadbиркор ва инвесторлар судда ўз талабининг тўғрилигини исботлаши шарт эмас. Энди, давлат идораси ўз қарорининг қонунийлигини исботлаб беришга мажбур бўлади. Юзага келган ҳар қандай ноаниқликлар эса инвесторлар фойдасига ҳал қилинади. Бу йил юртимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай иқтисодий имкониятлар ва кафолатлар ўз натижасини бермоқда. Бир йилнинг ўзиде мамлакатимизда 100 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилинган. Киритилган хорижий сармоялар ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга ошган.

Президент бу ишлар жадал давом эттирилишини таъкидлади. Яқин кунларда умумхалқ референдумига қўйилаётган янги Конституцияда бунинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда. Жумладан, давлат қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш бўйича ўзига мажбуриятлар олмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни кенгайтириш борасидаги янги имкониятларга тўхталиб ўтди.

Биринчиси — “яшил иқтисодиёт”. Мамлакатимизда жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари куёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзиде 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттли қувватлар ишга тушади.

“Яшил иқтисодиёт” саноатнинг янги йўналишларига ҳам туртки бермоқда. Бу — инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имоният, дегани.

Иккинчи йўналиш — давлат-хусусий шериклик. Ислохотлар натижасида, олдинлари “ёпиқ” бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Масалан, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган ахборот технологиялари, туризм, таълим, тиббиёт каби соҳаларда Ўзбекистон минтақавий хабга айланиб бормоқда.

Умуман, бу йил давлат-хусусий шериклики жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. Улар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олган.

Учинчи йўналиш — давлат мулкни хусусийлаштириш. Жорий йилда бу бўйича “1 минг + 1 минг + 40” дастури қабул қилинди. Яъни мингта корхонадаги давлат улушлари ҳамда яна мингта давлатга тегишли кўчмас мулк объектлари очик аукцион савдоларига чиқарилади, 40 та стратегик корхона IPOга олиб қилилади.

Тўртинчи йўналиш — индустриал ривожланиш. Бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, электр техникаси, машинасозлик тармоқларида етарли хомашё ва малакали кадрларга эга. Бу соҳаларда

ишлаб чиқариш ва экспортни 2 баробар ошириш учун етарли имкониятлар бор. Бунинг учун йирик брендлар билан ҳамкорлик, ташқи бозорларга чиқиш, инновация ва замонавий технологиялар керак.

Бешинчи йўналиш — қўшни давлатлар билан ҳамкорлик. Ҳозирда қўшма инвестиция фондлари ташкил қилиниб, саноат, энергетика, транспорт ва сув хўжалиги соҳаларида йирик минтақавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдиришини инобатда олиб, саноат ва агро кооперацияларини давом эттириш зарур.

Президентимиз Ўзбекистон инвесторлар учун ҳуқуқий қафолат, алоҳида технопарк ва саноат зоналари, қўшимча имтиёзлар беришга тайёрлигини билдирди.

— Мулоқотлар орқали Янги Ўзбекистондаги бизнес учун беқиёс имкониятларни кашф қиласизлар. Сизлар ўзингиз истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатларни айнан бизнинг юртимизда топасиз. Янги Ўзбекистон Сизнинг бизнес фаолиятингизда алоҳида ёрқин из қолдирадиган макон бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Сессия давомида халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистонга инвестиция киритиш истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Форумнинг шубъа мажлисларида жаҳон иқтисодиётининг рецессия эҳтиمولари, замонавий монетар сиёсат, савдонини молиялаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиётни рақамлаштириш, транспорт ва муқобил энергетикага инвестиция киритиш мавзуларини муҳокама қилинади. Шунингдек, халқаро молия марказлар ташкил этиш тажрибасини татбиқ этиш, давлат корхоналарини трансформация қилиш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақла





30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Конституцияга ўзгартиришлар киритиш шунчаки оддий ва осон иш эмас, халқ фикридан ташқари ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси синчиклаб таҳлил қилинади. Шу нуқтаи назардан, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасини тайёрлаш давомида 190 дан ортиқ давлат тажрибаси ўрганилди. Энг муҳими, лойиҳани тайёрлашда халқимиз бевосита фаол иштирок этди. Шу сабабдан у “Халқ Конституцияси” дея аталаётир.

ЭРТАГА БУГУНДАН ЯХШИ БЎЛИШИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!



**Байрамбек УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Жиззах вилоятидаги
Халқ қабулхонаси мудири**

Асосий қонунимизнинг янги таҳририга “**давлат халққа хизмат қилиши керак**” деган инсонпарвар гоя сингдирилганини бир қарашда илгаб олиш қийин эмас. Бунда, авваламбор, “давлат — жамият — инсон” тамойили “инсон — жамият — давлат”га ўзгарганини кўриш мумкин.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинмоқда. Шу тарихи давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари га оид нормалар қарийб уч баробар ортмоқда.

Хусусан, унга кўра, ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органлари га ҳамда ташқи-лотлари га, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари га, мансабдор шахслар га ёки халқ вакиллари га аризалар, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи га эга. Ушбу норма билан ўзини ўзи бошқариш органлари га, мансабдор шахслар га ҳам фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи берилгани, “маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла” тамойили ҳамкорлик тизимининг Бош қонунимизда мустаҳкамлангани ҳамда Халқ қабулхоналарининг бевосита иштироки ва етакчилигида маҳалланинг ўзида ечилиши мумкин бўлган муаммони тезкорлик билан ҳал этишда кўл келади. Шунингдек, маҳаллаларда ташкил этилган “бешик” фаолияти ҳам ушбу тамойилга мутаносиб тарзда муаммоларни аниқлаш ва ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш,

таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга йўл очади.

Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилиши билан фуқароларнинг йиллар давомида йигилиб қолган муаммолари га ечим топиш масалалари га жиддий киришилди.

Биргина Жиззах вилояти аҳоли-сидан Виртуал ва Халқ қабулхоналари га келиб тушган мурожаатлар таҳлили га кўра, 2020 йилда 52 минг 242 мурожаатнинг 14 минг 134 таси ёки 26 фоизи ижобий ҳал этилган, 18 минг 71 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган. 2021 йилда 82 минг 888 мурожаатнинг 46 минг 162 таси ёки 55,7 фоизи ижобий ҳал этилган, 23 минг 204 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 2022 йилда 67 минг 466 мурожаатнинг 40 минг 702 таси ёки 60,5 фоизи ижобий ҳал этилган бўлса, 18 минг 763 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилганини кўриш мумкин.

Шунингдек, Халқ қабулхоналари вақт ва катта маблағ талаб этиладиган муаммоларни ҳуқуқат даражасига олиб чиқиб, давлат дастурлари га киритиш тақлифи орқали аҳоли розилиги га эришмоқда. Мисол учун, Форш тумани “Хонбанди” МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқаролар узоқ йиллар давомида иссиқлик тизими йўқлиги сабабли хавфсизлик қоидаларини бузган ҳолда кўлбола иситиш анжомларидан фойдаланишга мажбур бўлиб келган. Аҳолидан бу бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушган. Натижада шу узоқ йиллик муаммони ҳал этишга киришилди. Кўп қаватли уйларнинг иситиш тизими учун давлат дастури асосида 18 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, пудратчи ташкилот ҳозирги кунга қадар 13 та кўп қаватли уйнинг 736 хонадонидан 450 тасига замонавий иссиқлик тизимини тўлиқ ўрнатиб берган. Қолган 286 хонадонда ҳам ишлар якунланиш арасисидadır.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи кафолатланмоқда. Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақи миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда, пировард натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий адолатни

устувор қадриятга айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши ҳам мустаҳкамланмоқда.

Бу янги норма иш билан таъминланмаган фуқароларнинг ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилалар ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Бизга жорий йилнинг ўтган уч ойида уй-жой билан таъминлаш ҳамда таъмирлаш масаласида 711 та мурожаат келиб тушган. Халқ қабулхонаси назорати остида уларнинг 204 таси ижобий ҳал этилди. Хусусан, Шароф Рашидов туманида яшовчи ижтимоий ҳимояга ҳужжат қилинган фуқаро 3.Мусурмонованинг вилоят ҳокими оммавий сайёр қабулида уй-жойини таъмирлаш масаласида қилган мурожаати қаноатлантирилиб, 40 миллион сўмлик қурилиш материаллари олиб берилди. Рамазон ҳайити арасисида ижтимоий ҳимояга муҳтож 227 кишининг доволаниши ва уй-жой таъмири учун моддий ёрдам ажратилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши ҳам белгиланган. Умуман, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайган. Бу аҳоли соғлигини ишончли муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар тахдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ни назарда тутувчи қоидалар ҳам янада такомиллаштирилган. Жумладан, давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари ҳаёти сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароит яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имко-

Аҳолининг Халқ қабулхоналари га қилаётган мурожаатларининг аксарияти уй-жой, ер, коммунал соҳа, иқтисодиёт ва тадбиркорлик, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий соҳага оид масалалардир. Эътиборлиси, ушбу масалаларнинг барчаси Конституцияда халқимиз манфаатига хизмат қилувчи янги нормалар билан мустаҳкамланмоқда. Бу дегани, энди халқимиз оворасарсон бўлиб, юқоридаги муаммоларини ҳал этиш учун турли ташкилотларни қидириб юришига ҳоҳлат қолмайди.

ниятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Ҳақиқатан, ноғиронлиги бўлган фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг асосий қисми уй-жой ва муносиб турмуш шароитини яхшилаш уюмасидан бўлмоқда. Масалан, Жиззах шаҳри “Қассоблик” МФИда яшовчи кўзи ожиз Н.Холбоева вилоят ҳокимининг оммавий сайёр қабулида иштирок этиб, кўзи ожизлар яшайдиган кўп қаватли уйнинг том қисмини таъмирлаб беришни сўраган. Фуқаро мурожаати қаноатлантирилиб, бино том қисмини мукаммал таъмирлаш учун вилоят бюджетидан 400 миллион сўм ажратилган.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи га эгаллиги ҳам мустаҳкамланган. Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдам миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

Аҳолининг Халқ қабулхоналари га қилаётган мурожаатларининг аксарияти уй-жой, ер, коммунал соҳа, иқтисодиёт ва тадбиркорлик, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий соҳага оид масалалардир. Эътиборлиси, ушбу масалаларнинг барчаси Конституцияда халқимиз манфаатига хизмат қилувчи янги нормалар билан мустаҳкамланмоқда. Бу дегани, энди халқимиз оворасарсон бўлиб, юқоридаги муаммоларини ҳал этиш учун турли ташкилотларни қидириб юришига ҳоҳлат қолмайди.



ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

ДАВЛАТ ТАЪЛИМНИНГ БАРЧА ТУРИГА БИРДЕК ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ

Конституциявий ислохотлар мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида кўзга ташланаётган ўзгаришларнинг бош омили бўлиб, улар пойдеворини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди ҳамда жамиятдаги бугунги реал воқеялик ва айна пайтда кечаётган янгиланишлар самарадорлигини таъминлайди.



**Сарвар ОТАМУРОВА,
Тошкент молия институтининг
профессори, социология
фанлари доктори**

Бугун юртимизда Учинчи Ренессанс воқеи стратегик вазифа ва миллий гоя даражасига кўтарилмоқда. Унинг муҳим омили саналган олий таълим тизими тубдан ислох қилинмоқда. Хусусий олий ўқув юртлари, хорижий университетлар филиаллари сони ортапти, улар олис ҳудудларимизда ҳам очилмоқда.

2022-2023 ўқув йилида олий таълим олиш истагидаги абитуриентлар сони 1 миллион 200 мингдан ортиқни ташкил этди, ОТМларга қабул сўнгги олти йилда 5 баробар ортиб, талабалар сони 1 миллионга етди. Қамров эса 9 фоиздан 38 фоизга кўтарилди. Мисол учун, 2016 йилда 77 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2023 йилга келиб 200 дан ошди, шундан 40 таси нодавлат олий таълим ташкилотидир.

Олий таълим тизими юқори стандартлар асосида фаолият юритиши учун унда маъмурий бошқарувдан тортиб, ўқув-услубий ва илмий тадқиқот жараёнини ташкил этишга академик эркинлик бўлиши лозим. Дунёнинг манаман деган университетлари муваффақияти ва рақобатбардошлигининг асоси ҳам уларнинг академик эркинликка эгаллигидир. Янги таҳрирдаги Конституциямизда илк марта “Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи га эга”, деган норма белгиланмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам олий таълим муассасаларининг академик ва молиявий мустақиллигини таъминлаш олий таълимдаги асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган эди.

яратган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи очик қолган. Яъни амалдаги Конституция интеллектуал мулкни алоҳида эътироф этмайди, инсоннинг ижодий ва инновацион фаолиятини ҳимоя қилиши етарли даражада кафолатламайди.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни Конституцияда белгилаш интеллектуал мулкнинг тан олиниши, уни даромад келтирадиган манба сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Мулкнинг қонун билан ҳимояланиши мулкдорнинг эркинлигини янада оширади ва бозор иқтисодиёти учун замин яратади. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мулк билан, мулкнинг қимлиги тегишли экани билан белгиланади.

Президентимизнинг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулквий муносабатларга асоссиз аралашува йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони юртимизда мулкдорлар синфини қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишларга туртки бери.

Кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш борасида мулквий ҳуқуқларни ноқонуний таъвозулардан ҳимоя қилиш муаммоси, айниқса, долзарб аҳамият касб этди. Сўнгги беш йилда Президент ва ҳукуматнинг мулкдорлар ҳуқуқларини

таъминлашга қаратилган 300 дан ортиқ ҳужжати қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда. Бу норманинг аҳамияти катта. Хусусан, мол-мулкнинг дахлсизлиги бўйича суд кафолати белгиланиб, мулкдор мол-мулкидан фақат суд қарори асосидагина маҳрум этилиши мумкин. Мол-мулкдан маҳрум этиш қонун даражасида белгиланади. Бу эса хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда суд кафолати конституциявий даражада мустаҳкамлашнишни аниқлатади.

Жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар барқарорлиги нафақат муайян соҳадаги қонунчиликнинг мукамаллик даражасига, балки иқтисодий ҳуқуқлар, мулк ҳуқуқи дахлсизлигининг конституциявий кафолатланганига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мазкур норма энди мулкдор манфаатлари устуворлиги тамойилининг тўлақонли таъминланиши давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифасига айланишни аниқлатади.

Суд тизимини халқимизга янада яқинлаштириш, очкилик ва шаффофлик тамойилларини кенг жорий этиш борасидаги ислохотлар натижада улароқ, мулк эгаларининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятини ҳам кенгайтиради.



ХУКУК

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

Энди жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига давлат ғамхўрлик қилади

**Улуғбек АЪЗАМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети катта ўқитувчиси**

Бугун дунё бозорида интеллектуал маҳсулотлар нархи ҳам, кадрлари ҳам, муҳимлиги ҳам ортиб бормоқда. Бу интеллектуал маҳсулотлар яқин келажакда пахта, олтин ёки нефтга қараганда кўпроқ фойда келтиради, дегани.

Ўзбекистонда интеллектуал мулкни тижоратлаштириш масаласида ҳали-ҳамон қўйилган натижага эришиш даражаси пастлигича қолмоқда. Бу эса мазкур ҳуқуқни конституциявий даражада эътироф этиш зарурлигини кўрсатди. Шу боис, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданий ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши, интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши белгиланб қўйилган. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

Инсоннинг ижодий-ақлий фаолияти маҳсули ҳисобланган интеллектуал мулк аслида иқтисодиёт ривожланишининг таркибий қисмларидан биридир. Ривожланган мамлакатларда интеллектуал мулкка катта эътибор қаратилгани сабабли уларнинг инвестициявий жозибадорлиги яхшилانган, япйи ички маҳсулотдаги улуши кескин ортган. Масалан, интеллектуал мулк Европада япйи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда эса 7 фоизни ташкил этади.

Замонавий дунёда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамиятга



эга. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти таҳлиллари га кўра, 2019 йилда 17 давлат машҳур қаҳрамонлар ва ўқув-илмий адабиётлардан фойдаланиш учун лицензия

сотиш ортидан 64,1 миллиард доллар фойда кўрган.

Интеллектуал мулкка қиймат сифатида қараш зарурлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда интеллектуал мулк иқтисодиётда қанча фоизни ташкил этиши, муаллифлар қанча даромад олаётгани ҳақида статистика маълумотлар юритилмайди. Соҳани янада такомиллаштириш, жумладан, тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш мамлакатнинг халқаро майдондаги имижини янада яхшилашга хизмат қилади. Ушбу ҳуқуқни конституциявий даражада эътироф этмасдан туриб эса самарали иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш қийин.

Амалдаги Конституцияда ҳар ким мулкдор бўлишга ҳақли экани айтилган. Бироқ интеллектуал мулк алоҳида кўрсатиб ўтилмаган. Ўз навбатида, унда илмий-техник ижод эркинлиги белгиланган, аммо янги маҳсулот ёки ишланма

БУГУННИНГ ГАПИ



Муштарий МАДРАҲИМОВА,
Буюк Британиянинг Оксфорд
университети магистранти,
“Эл-юрт умиди” жамғармасы
стипендианти

Конституция фуқаролар учун барқарорлик ва эртанги кунга ишонч туйғусини таъминлайди. Шунингдек, у миллий ўзига хослик ва бирлик рамзи бўлиб хизмат қилади. Чунки Бош қонунда жамиятнинг умумий қадриятлари ва интилишлари акс этади. Конституция мавжудлиги қонунчилик ҳақида умумий тасаввурларни пайдо қилиб, ҳаракат йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Масалан, Буюк Британияда ягона Конституция мавжуд эмас. Бу давлат Конституцияси вақт ўтиши билан ривожланган турли қонунлар, конвенциялар ва анъаналардан иборат. Шу тўғрисида ҳам айрим масалаларда нуқул вазиятлар келиб чиққан, тартиб-қоида ва умумий қадриятларни ўрганиш учун анча вақт кетган. Фикримча, ягона Конституция йўқлиги ҳуқуқий масалаларда ноаниқлик ва чалқашликларга олиб келиши мумкин. Чунки ҳуқуқнинг асосий тамойил, қонун-қоида ва тузилмаларини акс эттирувчи аниқ ҳужжат бўлмайди. Бошқа томондан, мамлакат ягона Конституциясига эга бўлиш-бўлмаглиги ушбу давлат фуқароларининг танлови, албатта.

Ўзбекистонда 30 апрель кuni янги тахрирдаги Конституцияни қабул қилиш масаласида референдум бўлиб ўтади. Мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси ва “Эл-юрт умиди” жамғармасы ходимлари бу мамлакатда тахсил олаётган талабалар, шунингдек, хизмат тақозоси ёки турли сабаблар билан шу ерда бўлиб турган ватандошларимизга конституциявий ислохот моҳияти, референдум тартиби, элчихона қошида сайлов ушасткаси ташкил этилгани, мuddатидан олдин овоз бериш тартиби ҳақида маълумот бериб борди. Онлайн ва офлайн учрашув, давра суҳбатлари уюштирилди.

Хорижий ОАВларда Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар ҳақида экспертлар мақолаларини ўқиямиз, ўйлаймани, хорижда юрган ватандошларимиз ҳам янги тахрирдаги Конституция билан яхши танишган. Ҳатто айрим хорижлик қурдошларимизнинг ҳам ушбу масалани билиши мени ҳайрон қолдирмоқда. Бу Ўзбекистонда бўлаётган ислохотларни чет элда ҳам қизиқиш билан кузатиб боришаётганидан далолат беради.

Мен ҳам янги тахрирдаги Конституциямизни диққат билан ўрганиб чиқдим. Бугун эътиборимни тортган айрим жиҳатлар ҳақида айтмоқчиман.

1 ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ

Янги тахрирдаги Конституциямиз муқаддимасида бундай дейилган: “Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи... ушбу Конституцияни қабул қилганимиз ва эълон қилганимиз”.

Одатда қонунлар (Конституция ҳам Бош қонун) Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши, Сенат томонидан маъқуллаши, Президент имзолаши ва эълон қилиниши каби тартиб-таомиллардан ўтган, қонуний қучга эга бўлади.

Албатта, қонунлар референдум йўли билан қабул қилиниши ҳам мумкин, бироқ амалиётда бундай ҳол камдан-кам кузатилади. Ҳозирги ҳолатда Конституция бевосита референдумда кўпчилик маъқуллагандан ва эълон қилингандан кейин бошлаб қучга қиради.

Шу маънода, “Халқ Конституцияси” деган гапимиз ҳаётий ҳақиқат касб этади.

2 ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛАДИ

Янги тахрирдаги Конституциямизда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудидида олий юридик қучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил қилади”, деб ёзилган.

Бунда эътиборимни тортган асосий масала Конституция тўғридан-тўғри амалга қилиниши ҳақидаги норма.

Конституцияда ёзилган нормалар қанчалик қулайлиги бўлмасин, агар у ишламаса, ҳеч қимга наф йўқ. Конституция олий юридик қучга эга ҳужжат ва қабул қилинган қонунлар, қонуности ҳужжатлар унга эид бўлмаглиги керак. Бу ҳар қандай ҳуқуқий давлат амал қиладиган устувор қадрият.

Айрим ҳолларда Конституцияда белгиланган ҳуқуқни амалга оширишнинг имкони бўлмайди. Бунга сабаб уни амалга ошириш тартибини белгилловчи тегишли ҳужжат қабул қилинмаган бўлади. Бу ҳуқуқ-шунослар орасида “оқ доғ” деб аталади. Лойиҳадаги ушбу норма билан айнан шунинг олди олиняпти.

Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилиши давлат органлари ва фуқароларнинг улардан тўғридан-тўғри фойдаланиши ва риоя этилиши кўзда тутилганлигини билдиради.

Конституцияга киритилмаётган, унинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақидаги қоида орқали Конституция нормалари уларни қўллаш тартиби алоҳида

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI

2023

ЭЪТИБОРЛИ
САККИЗ ЖИҲАТ

Асосий қонунимиз энди шиддат билан ўзгараётган воқелик фонидида юртимиз тараққиётини белгилловчи, глобал дунёнинг барча қақриқларига муносиб жавоб берувчи ҳужжат сифатида хизмат қилади.

3 МУТАНОСИБЛИК ПРИНЦИПИ

Янги тахрирдаги Конституцияда “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” нормаси мавжуд.

Албатта, ҳар қандай жамиятда бўлган каби Ўзбекистонда ҳам қонунлар, қоидалар бузилиши мумкин ҳамда улар бузилгани учун шахс жавобгарликка тортилади. Бирок баъзида давлатга 1 сўм тўлай олмасдан юрган шахс 100 сўм жаримага тортилиши мумкин. Ҳуқуқий давлатда жазодан мақсад ўч олиш эмас, шахсни қайта тарбиялашдир. Мана шу ерда ўринли савол туғилади, ҳўш, шахсга жазо белгилашда нимага қараймиз, мезон нима бўлади? Янги норма айнаи шу мезонни белгилаб бермоқда. Мазкур норма жамиятда ижтимоий адолат таъминланишига олиб келади.

4 ФУҚАРОЛАР ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА КИРИШДА ТЕНГ ҲУҚУҚҚА ЭГА БЎЛМОҚДА

Хориждаги юртдошларимиздан айримлари яхши жойларда — банклар, сугурта агентликлари, таълим ташкилотларида ишлайди. Ўзбекистонга қайтмай-сизми, деб сўраганимизда: “Биз институтни тугатиб, давлатга хизмат қилиш учун боғанимиз, 3-6 ойлаб юрганмиз, бироқ турли баҳоналар билан ишга олишмаган, таниш-билишчилик бўлган”, деган гапларни эшитаман.

Менимча, янги тахрирдаги Конституцияда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар”, деб белгиланиши жуда муҳим.

Бундай ҳуқуқнинг конституциявий даражага кўтарилиши давлат хизматига киришдаги коррупциявий ҳолатлар, непотизм, фаворитизм каби иллатларнинг олдини олади. Давлат хизматига киришда номзодларга жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқлари тенглиги қафолатланади.

5 “МИРАНДА ҚОИДАСИ” КИРИТИЛМОҚДА

Янги тахрирдаги Конституцияда шахсга ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асослари тушунтирилиши шартлиги белгиланмоқда.

Бу юридик тилда “Миранда қоидаси” дейилади. Шахс нима учун ушланганини, қандай ҳуқуқлари борлигини билиши шарт. Суд, тергов идораларида амалиёт ўташ пайтида гувоҳ бўлганманки, процессуал таъсир чоралари қўлланган шахс қанчалик билимли бўлмасин, оғир руҳий аҳволга тушиб қолади. Баъзида непрофессионал терговчилар пайтдан фойдаланиб босим ўтказишга, кўрсатмаларни расмийлаштириб олишга ҳаракат қилади. Фикримча, шахс айнан ушлаш вақтида ҳуқуқий ёрдамга жуда муҳтож бўлади. Чунки у оғир руҳий вазиятда айбсизлигини исботлаш шартмаслигини, аксинча, айбдор бўладиган бўлса, уни исботлаш мажбурияти тергов органларига юклатилганини англай олмайд.

“Миранда қоидаси”га биноан эса ушланган шахсга сукут сақлаш, сўроқ жараёнида адвокат иштирокини талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эгаллиги илк сониялардаёқ тушунтирилади. Яъни янги тахрирдаги Конституцияда жиноий таъмабга олинган шахсларни давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ўзбошимчилигидан химоялашнинг деярли барча усуллари акс этмоқда.

6 ҲАРАКАТЛАНИШ ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

Ҳаракатланиш эркинлиги инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан биридир. Бу ҳуқуқ шахснинг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга бориш, турар ва яшаш жойини эркин ўзгартириш, мамлакатдан чиқиш ва қайтиш ҳуқуқини қамраб олади.

Янги тахрирдаги Конституцияда “Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно. Ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эга”, дея белгилаб қўйилган.

Юртимиз тарихидаги бир вилоятдан иккинчисига ўтишда паспорт кўрсатиш шарт бўлган даврларга гувоҳимиз. Энг қизиги, мазкур чекловлар идоравий ҳужжат даражасида жорий этилган эди. Ҳозирги кунда бу каби инсонни камситувчи тўсиқлар бартараф қилинган.

Ушбу нормаларнинг Конституцияда ёзиб қўйилиши келгусида ҳам кимнингдир хоҳиши билан ҳаракатланиш эркинлигига тўсиқлар пайдо бўлмаглигини аналгатади.

7 ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Янги тахрирдаги Конституцияда давлат интернетдан фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши белгиланмоқда.

Бу жуда илғор норма. Ҳозирги кунда интернетга уланish ҳуқуқи давлатнинг аҳолига қўрсатиши шарт бўлган телекоммуникация хизмати сифатида баҳоланади. Интернет фуқароларга давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш имконини беради. Шу сабабли реал ҳаётдаги инсон ҳуқуқлари виртуал оламда ҳам рақамли акс этиши керак, деган фикр тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда.

Яъни онлайн режимда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини офлайндагидан кам бўлмаглиги керак. Интернетга кириш ҳуқуқини инсон ҳуқуқларининг янги “рақамли” авлоди ҳуқуқи, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон эса мазкур ҳуқуқни Конституция даражасида мустақамлаётган илк давлатлар қаторига қўшилмоқда.

8 ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ ЗАРУРАТИ

Ҳиндистон Конституцияси меъморларидан бири бўлган Бхимрао Амбедкар “Конституция шунчаки ҳуқуқшуносларнинг ҳужжати эмас, бу ҳаёт воситаси ва унинг руҳи ҳар доим давр руҳидир”, деган эди. Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар шу нуқтаи назардан ҳам ғоят муҳимдир.

Амбедкар Конституция вақт ўтиши билан ривожланиб, жамият қадриятларини сақлаган ҳолда ушбу жамият интилишлари, одамларнинг ўзгарувчан эҳтиёж ва талабларини акс эттириши, яъни у ҳозирги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитларга мос бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Ўзгарувчан замон тенденцияларини акс эттира олмайдиган Конституция ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишда эскирган ва самарасиз бўлиб қолишини алоҳида қайд этган. Шунинг учун ўзгарувчан шароитларга мослаша оладиган ва динамик жамият қадриятларини акс эттира оладиган “тирик Конституция” муҳимлигини таъкидлаганди ва Конституцияни “Living Document” “тирик (жонли) ҳужжат” деб атаган.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Конституцияси ўтган йиллар мобайнида эришган барча ютуқларни сақлаб қолган ҳолда қатор янги ва илғор ғоялар билан бойимокда. Ўзбекистон фуқароларига муносиб ҳаёт шароити яратиш мақсадида ижтимоий қафолат ҳамда иқтисодий тараққиётни янада юксалтирувчи қафолатлар киритилмоқда.

Шундай экан, Асосий қонунимиз энди шиддат билан ўзгараётган воқелик фонидида юртимиз тараққиётини белгилловчи, глобал дунёнинг барча қақриқларига муносиб жавоб берувчи ҳужжат сифатида хизмат қилади.

БЕФАРҚ
БЎЛМАЙЛИК!

Шундагина ислохотларда ўз тақдиримизни ҳис эта оламиз



Бахтиёр МАҲКАМОВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий
номидаги Тошкент
ахборот технологиялари
университети ректори,
иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Янги тахрирдаги Конституциямизда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилиши Ўзбекистонда ёшлар сиёсати ҳамisha устувор эканига яққол ишорадир. Асосийси, конституциявий ислохотлар жараёнида навқирон авлод вакиллари фаол. Улардан

ҳам минглаб таклиф келиб тушди. Демак, бугунги ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади, мамлакат ҳаёти ва келажагига бефарқ эмас.



Энг муҳими, ёшларнинг таклифлари Конституциямиз янги тахририда ўз аксини топан. Улар қатор янги нормаларда намоён бўлади. Айтайлик, энди бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш қафолатланмоқда. Муҳим ангилликлардан бири — алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади. Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи берилди.

Янги тахрирдаги Конституцияга кўра, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлайди, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, таълим олиш, соғлиқни сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

Ёшлар билан фаол ишлашни, уларга янада эътиборли бўлишни замоннинг ўзи талаб қилимоқда. Бунда асосий эътибор ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилиши мақсадида мувофиқ. Масалан, ўтган йили 11 ОТМнинг 11 мингдан зиёд битирувчисидан 6,5 минг нафари ишга жойлашмаган. Давлат гранти асосида ўқиган 3 минг талаба ҳам ишга қирмаган. Ўтган йили коллеж ва техникумларини 143 минг йигит-қиз битирган бўлса, улардан 30 минги иш топа олмаган.

Шуни эътиборга олган давлатимиз раҳбари ҳар бир вазирлик ва идора тармоғидаги касбларга малака талабини соҳа масъуллари ўзи белгилаши, бунда 70 фоиз касбга ўрта махсус, 30 фоизга олий маълумот талаб этиладиган тизим бўлишини айтган эди. Шу билан бирга, ҳар бир вазир ва вилоят ҳокими йил бошида алоҳида ёшлар бандлиги дастурини ишлаб чиқиб, аҳолига эълон қилиши ва йил якунида натижалари бўйича жамоатчиликка ҳисобот бериши белгиланган.

2021 йилда 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни ишга олган корхоналарга тўланган ижтимоий солиқни қайтариб бериш амалиёти жорий қилинган эди. Бундан 9 мингдан зиёд корхона фойдаланди, уларга 150 миллиард сўмлик ижтимоий солиқ қайтарилди, энг муҳими, 100 минг ёшнинг бандлиги таъминланди. Шу боис, ушбу тажрибани яна 2 йилга узайтиришга қарор қилинди. “Ёшлар дафтери”га киритилган талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган стажировка тизимини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Ёшлар ўртасида IT, реклама, кино, архитектура, дизайн, маркетинг, хунармандлик, расмийлик каби йўналишларга қизиқиш ортиб бораётганини ҳисобга олиб, вилоят ҳокимларига йил якунигача биттадан “Креатив парк” ташкил этиш топшириғи берилди. Уларда IT парк резидентларига берилган имтиёз ва енгилликлар қўлланади.

Бу мақсадлар учун “Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари” жамғармиси ва

электрон платформаси ташкил қилинади. Жамғармага 100 миллион доллар йўналтирилади. Бу маблаг иқтидорли ёшларнинг энг яхши ғоя, стартап ва лойиҳаларига қулай ва енгил шартларда, зарур бўлса, фойзсиз ва гаровсиз ажратилади.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳам янги тизим бўлади. Масалан, бугунги кунда 1,5 миллион ёш бўш вақтини чет тилларини ўрганишга сарфламоқда. Шунга қарамай, яқинда 100 минг ёш ўртасида ўтказилган сўровномада улар футбол, волейбол, стол тенниси ва бадминтон каби спорт турлари билан шуғулланишга қизиқишини, китобхонлик, музика, рақс, каратэ, театр ва кино бўйича инфратузилмага эҳтиёж борлигини айтган, оилавий айланиш учун жиёбон ва сайилгоҳлар ташкил этилишини сўраган.

Шу муносабат билан вилоятлар марказида, кейинчалик туманларда кечая кундуз ишлайдиган ёшлар сайилгоҳлари ташкил этилади. Уларда киберспорт, спорт ва интеллектуал ўйингоҳлар, каратэ клублари, театр, мода подиумлари, бук кафе, коворкинг ва бошқа кўнгилочар жойлар бўлади.

Тошкент шаҳрида Анҳор ва Бўзсув, Нукусдаги Ўстлик, Урганчдаги Шовот, Фарғонадаги Марғилонсой каналлари бўйида ёшлар ижод қўчалари ташкил этиладиган бўлди. Бу ерда расмолар, ҳайкалтарошлар, адиблар, созандалар ва уларнинг мухлислари учун шароит яратилади.

Эндиликда ОТМ ректорлари футбол, волейбол, баскетбол, шахмат, стол тенниси каби спорт турлари бўйича ўз клубларини ташкил этади. Бу клублар талабалар спорт лигаларига бирлашиб, доимий турнирлар ўтказиб боради.

Қўшимча 300 минг ёшнинг ҳусусий марказларда тил ўрганиш харажатларига 100 миллиард сўм субсидия ажратилади. Юртимиздаги 206 та оромгоҳ йил давомида ишлайдиган тизимга ўтказилиб, ҳар йили 100 минг ўғил-қизини қамраб олади.

Туман марказидан узоқдаги маҳалларда спорт, маданият ва санъат йўналишларида тўғарақ очган мураббийларга зарур жиҳоз учун 15 миллион сўмгача субсидия берилади. Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қўқон каби туристик маҳмуаларда, шаҳар ва туманлардаги марказий парк ва жиёбонларда “Очиқ осмон остидаги кутубхона”лар ташкил қилинади.

Умуман олганда, бу ташаббуслар бўйича ёшларга оид давлат сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган “Янги Ўзбекистон ёшлари” дастури ишлаб чиқилади.

Демак, навқирон авлод вакиллари янги тахрирдаги Конституциянинг ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор нормаларини ҳар томонлама таҳлилдан ўтказган ҳолда чуқур ўрганиши, бўлажак референдумда ўз хоҳиш-истагини намоён қилиши улар Ватанимиз ва халқимиз тақдирига бефарқ эмаслигининг яққол намоёни бўлади. Шундагина ҳар бир ёш ислохотларда ўз тақдирини ҳис эта олади.

ШУКУХ

“Янги Ўзбекистон стратегияси Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улўввор мақсаду азму шижоатимиз тимсолига айланиб улгурди. Унинг замирида маънавий янгиланиш, маърифатли жамият сари интилиш йўғрилган кудратли куч жўшиб турибди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023

МЕН ВАТАН ДЕБ
Йўлга тушдим
(сафарнома)



Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоира

Навоийнинг азиз номи
билан...

Онамиз бешигимиз узра алла билан юрагимизга меҳрини солган Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшаси жон қадар азиз, имон қадар сунъидир. Атоқли олимлар, соҳирнафас шоир-ёзувчилар, таниқли санъаткорлар, ҳуллас, ўттизга яқин зиёлилар сафида “Халқчил Конституция билан халқчил давлат сари” шioriни дилга туғиб, “Маънавият фестивали” доирасида йўлга отланар эканмиз, она юртимиз бугуни ва эртаси учун масъуллимизни ҳис қила бошладик. Сафаримизда бугунига шукронаси мўл, эртасига ишончи ёрқин юртдошларимиз билан ўз кўришдик, дилдан сўхбатлашдик. Сўнг бу таассуротларни ифтиҳор билан қозоғга кўчирдик.

Янги Ўзбекистон стратегияси Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улўввор мақсаду азму шижоатимиз тимсолига айланиб улгурди. Унинг замирида маънавий янгиланиш, маърифатли жамият сари интилиш йўғрилган кудратли куч жўшиб турибди.

...Кармана туманининг “Мирсаид Бахром” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан учрашувдамиз.

— Ислохотлар мақсади инсон қадрига қаратилгани билан халқимиз олқишига сазовор бўлмоқда, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Гулжаҳон Нарзиева. — Айниқса, билим олиш, қафолатли ва бепул тиббий хизматдан фойдаланиш борасидаги янгиланишлар мевасини шахсий ҳаётим мисолида ҳам кўрсата оламан. Кейинги йилларда тиббиётнинг бирламчи бўғинида аҳолини энг зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилгани, шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларига керакли дори-дармон ҳамда бошқа буюмлар пешма-пеш етказиб берилаётгани, вилоят марказидан олисда, ҳатто тоғли қишлоқларда ҳам янги тиббий хизматлар йўлга қўйилгани жамиятимизда инсон саломамлиги ҳар нарсадан қадрли қўрилаётгани далолатидир.

“Пахтаобод” МФЙ фахрийси Жамила Пирматова эса тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан кексаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини эътироф этиб, уйма-уй юриб, улар ҳолидан хабар олаётган ҳамшираларга миннатдорлик билдириб қолди.

Навоий давлат кончиликл ва технологиялар университети миллий олий таълим муассасалари рейтингидеда бешинчи, унинг ҳузуридаги Нукус кончиликл институти эса ОТМлар филиаллари рейтингидеда учинчи уринини эгаллаган.

Талабалар билан сўхбатлашар эканмиз, етакчи ёшлар — Олимжон Худойбердиев, Дилдора Раҳматова, Азиза

Саидова, Моҳинабону Муртазоеваннинг “Навоийнинг азиз номи билан аталган вилоят фарзандлари ҳар ишда ўрнак бўлмоғи лозим, бизнинг юрак амримиз шундай”, деган дил сўзлари барчани тўқинлантириб юборди.

Ўғил-қизларини эл фарзанди қилиб тарбиялаётган қизилтепалик ота-оналар, халқ оғзаки ижодини кўз қорачиғидек авайлаб келаётган кайвони момолар дил изҳорларини мароқ билан тингладик. Уша онда қайси юртнинг оналари шодмон экан, шу юртнинг болалари эмин-эркин ўсади, деган машоихлар ҳикмати ҳаёлимиздан ўтди.

Донишманд Бухоро,
боқий Бухоро

Хожа Ориф Ревгарийдек буюк алломани, академиклар — Иброҳим Мўминов ва Тўра Мирзаевни, халқ артисти Раззоқ Ҳамроевни, халқ шоири Жамол Камолни буюк маънавиятимиз қошонасига қўшган қадим Шофиркон туманидамиз.

Туман марказида кутубхона бунёд этилиб, 30 минг нуска китоб фонди билан таъминлангани, унга Тўра Мирзаев номи берилгани, Иброҳим Мўминов воёга етган қишлоқда ҳам 3000 нуска китоб фондига эга “Маҳалла кутубхонаси” ташкил этилгани, умуман, “Маҳалла бюджети” лойиҳаси асосида вилоятдаги ҳар бир маҳаллада кутубхона ва спорт майдончаси барпо этиш режалаштирилаётгани — барча-барчаси Бухоро халқининг юксак маънавий дунёси, ташаббускорлигини намоён этиб турибди.

Шофиркон туман маданият уйида бўлиб ўтган учрашувда сўз олган шоир, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Омон Абдулланнинг сўзлари юракларга нур олиб кирди.

— Ўттиз йилдан буён тумандаги ёш қаламкашларнинг “Наъматак” тўғарағига раҳбарлик қиламан, — дейди Омон ака. — Туманимиз азалдан олимлар, шоирлар макони. Кеча тили чиққан бола ҳам китоб ўқишни билиши шундан. Туманимиздан ўн битта академик, уч юздан ортққ фан доктори, профессор, яна қўллаб фан номзодлари етишиб чиққан. Маърифатпарвар Аҳмад Дониш дейсизми, ўзбек-тохик филологияси билимдонни Садриддин Айний, буюк Шекспирни таржима қилиб, дунё назарига тушган Жамол Камол, атоқли олимлар Тўра Мирзаев, Иброҳим Ҳаққул, семивли шоирларимиз Усмон Қўчқор, Дилшод Ражаб дейсизми, ҳар бирининг ҳаётини, ижодий фаолияти ёшларимизга ўрнак мактаби, ибрат намунаси. Яқинда шофирконлик 11-синф ўқувчиси Мухаммадҷон Ҳодиев “Ёш китобхон” республика танловида 2-ўрин соҳиб бўлгани бизни янада қувонтирди.

Устоз гапираётгани-ю, менинг кўзим даврадагиларда. Кўнглига сурур бахш этгани шуки, ҳар бир шофирконликнинг қўлида китоб, ҳар бири билан адабиёт ҳақида соатлаб сўзлашиш мумкин.

Марзияҳон Бехбудова Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси, сержант. Бухоро туманининг Зармавоқ маҳалласида яшайди, оилавий болалар уйи ташкил қилиб, беш норасида қизни ўз тарбиясига олган. Азиза, Гулнавоз, Измира, Қумуш, Шаҳризода исмли қизларнинг ҳар бирига бичиш-тикиш, компьютер саводхонлиги, хорижий тиллар ва аниқ фанларни ўргатишга алоҳида эътибор беради.

— Битта қизни ўқитсангиз, бутун миллатни ўқитган бўласиз, деган ҳикматга таяниб, насиб этса, қизларимнинг ҳаммасини олий маъlumотли қиламан, — дейди Марзияҳон. — Қизларим албатта олим бўлади, деб ният қилганман.

Биз бу эзгу тилакка жўр бўлдик.

Ер юзининг сайқали —
Самарқанд

Ургут туманидаги 154-мактаб ўқитувчиси Улаш Абдурасуловнинг янги таҳрирдаги Конституциямиз ҳақидаги, хусусан, инсон қадрини юксалтириш борасидаги фикрлари жуда кўтаринки. Оқдарё туманидаги 20-мактабда ўтган учрашувда эса оқсоқол Қосимхон Маъмуров Конституциямиз мазмун-моҳияти ҳақида гапирар экан, “давлат — жамият — инсон” тамойилининг “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгараётгани, жамиятда бағрикенглик, меҳру муруват муносабатлари кучайгани ҳақида фахр билан сўзлади. Отaxonнинг шукроналик сўзларида Президент фармони билан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 541 шахснинг афв этилгани ҳақидаги пурмазно таъбирлари маҳалладошлар олқишини олди.

— Президентимиз “Учинчи Ренессанс мактаб оstonасидан бошланди”, деб кўп бора таъкидлайди, — дейди Самарқанд тумани маданият марказидаги тадбирда таниқли ҳуқуқшунос, юридик фанлар номзоди Илҳом Муродов. — Мен ҳам ўқитувчи фарзандиман. Бугун ўқитувчиларнинг давлат томонидан моддий-маънавий қўллаб-қувватланиши уларнинг ижтимоий мақомини ва обрўсини янада оширишга хизмат қилади. Ўқитувчининг обрўси ва билими зукко авлодни воёга етказишга



асос бўлади, қаерда билимли муаллим фаолият кўрсатса, ўша ерда илму фан равнақиға ёрқин йўл очилади.

Қишлоқ аёлининг
самимий иқрори

Жиззах вилояти Арнасой туманида ўтган “Маънавият фестивали” вилоят миқёсида қўл олган “Китобонлик ҳафталиги” тадбирлариға амал қилди.

Сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраевнинг китоб ҳақидаги мулоҳазалари, оқсоқол Улўғбек Қўчқоровнинг арнасойликлар ҳаёти ҳақидаги, тиббиёт ходими Феруза Мамарасулованин юрт ишига дахлдорлик борасидаги эътирофларида тинч, осойишта ҳаёт кечириётган чўл одамларининг изҳорлари бор эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Арнасой фарзандлари санъатга ошуфта, улар қалбиде санъатнинг кудратли оҳанглари воёга етмоқда. Бунга биз тумандаги болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари мисолида ҳам гувоҳ бўлдик.

Бу санъат даргоҳига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мухаррам

Абдуҳалимова раҳбарлик қилади. Таниқли санъаткорнинг фидойилиғи ва заҳматли меҳнати туғайли саккиз йўналиш асосида фаолият кўрсатаётган мактаб ўқувчилари аста-секин катта сахналарда ҳам истеъдодини намоён қилмоқда.



Учрашувлар кўнғилга яқин инсонлар зиёратига уланиб кетди. Жиззах шаҳридаги 11-мактабнинг эъзоли муаллимларидан бири, биринчи ўқитувчим Пулатой Расулованин уйда бўлди. Устоз саксондан ошиб қолган бўлса-да, ҳали ҳам мутолаа билан машғуллиғи қувонарли.

чув, Дуоба қишлоқларида халқ оғзаки ижоди, қадим термаларни хиргойи қилиб, гилам тўқиётган опа-сингиллар ёдимга тушди. Улар бизнинг гапларимиз, шеърларимизни тинглаб туриб, “Болаларимиз, набираларимизнинг келажағи билимда, китобда, уларни

ёшлар муваффақиятлари, шунингдек, “Саҳродаги Лувр” деб ном олган И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи ҳақидаги қизиқарли маълумотларини тингладик. Қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, қадриятлариға бўлган ҳурмат-эҳтиромни қўриб ҳавасимиз келди.

Нукусдан қайтар эканмиз, яқинда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвонига сазовор бўлган, қорақалпоқ маънавият ходимларининг сардори Татлимурат оға Атамуратовнинг “Биз, қорақалпоқлар Янги Ўзбекистон ислохотларининг биринчи сафарларида турамиз. Юрт фаровонлиғи, элнинг дуоси, Президентимиз ишончи ҳар биримизга шараф ва масъулият беради”, деган ниятлариға қўшилдик.

Янгиланаётган Хоразм

Хоразм озодлиғи учун Чингизхонга қарши мардонавор курашган машҳур саркарда Жалолиддин Мангубердининг бутун ўзбек ўғлонлариға матонат, шижоат тимсоли бўлаётганини яхши биламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг машҳур саркарда ҳақидаги “Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиклоли учун курашган, бунга ўз ҳаётини бағишлаган аждодларимизнинг буюк намонядасидир. Она юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида унга тенг келадиган улўғ шахслар дунёда камданкам учрайди”, деган гапларидан бу шарафли заминнинг ҳар бир ўғлонига берилган таърифи аниглаш мумкин.

Комилжон Отаниёзов, Олматон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Раҳматжон Қўрбонов, Омон Матжон, Матназар Абдулҳаким воёга етган назаркарда юртнинг ҳар бир гўшасида янги қурилаётган уй-жойлар, инвестиция лойиҳалари, илму фан янгилликлари Хоразмнинг бугуни улўввор кўринишини намоён этади.

Урганчу Гурлан, Боғоту Янгибозор, Ҳазорасп ва Питнак, Хонқаю Қўшқу-пирда ўтган сўхбатларда ёш олимлар Машариб Абдуллаев, Садоқат Маткаримова, Умрбек Маҳмудов, Шоҳрухмирозо Исмоиловнинг юртга дахлдорлик, фарзандлик бурчи, ота-онаға эъзоз, элгу юртға эҳтиромнинг қўри-нишлари ҳақида ширин шевада айтган фикрлари бутун элнинг ниятлари бўлиб янгради.

Диёримизнинг нурли сарҳадларидан қайтар эканмиз, сафардошларимиз — атоқли олимлар Нарзулла Жўраев, Мухаммадҷон Қўронов, Дилором Бобоҷонова, Феруза Акрамова, Олимжон Тошбоев, Райимбой Жуманиёзов, эл суйган санъаткорлар Гулбаҳор Эркўлов, Абдулла Шомарғуров, Рустам Мирмоновнинг ҳар бири маҳаллаю қишлоқдаги файзли хонадонлар ҳақида таассуротларини меҳр билан сўзлаб келди.

Гуруҳимиз раҳбари, таниқли олим Абдуҳалил Маверулов сафар сўнгида “Бағрикенг ва меҳнаткаш, фидойи одамлари бор юртнинг файзу баракаси бошқача бўлади. Юрт эртасига бўлган ишонч, фарзандлар келажикға ишонч элдошларимизнинг умр мазмун. Бундай юртни, бундай элни Ҳақ қўллайди”, деганида илму тафаккур юксак, ниятлари кўзларидек тоза замондошларимизға омонлик тилағимиз келди.

Бухоролик истеъдодли шоир Шодмон Сулаймоннинг мана бу сатрлари ҳар биримизнинг юрагимиздаги сўзимиз бўлиб жаранглайди:

Мен Ватан деб йўлга тушдим,
Юртим, сени жондан ортққ
қўраман деб йўлга тушдим.
Сен отмасан, сен ёлдаман,
ўғлим яйраб ўсаган далам
Сен қай томон йўллар бўлсан,
бораман деб йўлга тушдим.
Сен йўл бошла, сенга қурбон жон ва
тан деб йўлга тушдим...
Мен Ватан деб йўлга тушдим...